




Тошкент Оқшом

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 99 (9.137)

1998 йил


24 август, душанба

Сотувда эркин нархда



Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан

Мустақиллигимизнинг етти йиллиги тантаналарига шахримизда қўллаб мақтаб, миллий хизмат нукталари, маҳалла гузарлари, шифокорлик мажмуалари фойдаланишга топширилди. Бироқ улар орасида энг аjoyиб, ўзига хос ва ноёб иншоот ҳам борки, бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтсак арзийди. У Бектемир туманидаги «Рохат» кўли ҳудудидан бунёд этилаётган Тошкент гольф клубидир.



Кепажакка юз тутган шаҳар

ГўЗАЛ ТАБИАТ КЎЙНИДАГИ БЕТАКРОР ИНШООТ



Дарҳақиқат, кўпгина ривожланган давлатларда кенг ёйилган гольф ўйини учун майдон барпо этиш осон юмшлардан эмас. Мафтункор, гўзал табиат, кўллар ва оролчалараро қад кўтарётган Тошкент гольф клуби ўзининг бетакрорлиги, яшил бойликларга ўралган аjoyиб дарактзорлар ичида эканлиги билан ҳатто мутахассисларни ҳам лол қолдирмоқда. Энг муҳими, 18 та майдондан иборат гольф клуб халқаро андозалар талабларига ҳам жавоб беради.

Бетакрор жозибали табиат кўйида қад ростлаётган Тошкент гольф клуби халқаро андозаларга жавоб беради. Марказий Осиё бўйича бундай кенг кўламли илк клубдир, — дейди «Дам олиш ва спортни ривожлантириш бўйича халқаро корпорация»нинг бош директори жаноб Ду-Пе-Ли. — Зеро, бу ерда жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларни уюштириш учун шарт-шароитлар етарлидир.

Тошкентликларнинг сеvimли дам олиш масканлари ҳисобланмиш «Рохат» кўли ҳудудидан жойлашган гольф клубида ушбу спорт тури билан шугулланиш билан бир қаторда мароқли хордик чиқариш ҳам мумкин. Бу ердан автомобилларни сақлаш жойи, дўкон, ресторан, сув ҳавзаси, теннис кортлари ҳам ўрин олади.

Жуда кўп иштиёқмандларга эга ушбу спорт турининг кишилари ўзига тортувчи сири нимада? деган ўринли саволнинг ҳам тўғрилиги табиий. Гап шундаки, гольф кишиларга бардамлик ва соғлом-

лик бахш этади, иродасини тоблайди, бизнес бўйича шерикларнинг учрашиб амалий суҳбатлар ўтказишлари учун эса у бебаҳо омилдир. Қизиқarli ўйин пайтида очик ҳаво, мафтункор табиат бағрида кишилар қандай қилиб ўнлаб чакирим масофани босиб қайфиятлари чоғ ҳолда галаба учун интиланликларини ҳам сезмай қоладилар. Тошкент гольф клубининг ўзига хос хусусиятларига на-

зар ташлайдиган бўлсак, унинг узунлиги 12 километрни ташкил этади ва 18 та майдонда бир вақтнинг ўзида жамоаларга бўлинган ҳолда 150 киши беллашиши мумкин. Американинг «Olden star inc» компанияси билан ҳамкорликда тузилган «Дам олиш ва спортни ривожлантириш бўйича халқаро корпорация» ўзбек-Америка қўшма корхонаси ва пойтахт ҳокимлигининг саъй-ҳаракатла-

ри билан гольф клуб қурилишида ўтган қисқа муддат ичида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, белгиланган режага мувофиқ Ўзбекистон томонидан 100 миллион сўмликдан ортиқ ер ишлари бажарилди, объект инфраузилмаси ташкил этилди, америкалик ҳамкорларимиз эса 6,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги капитал сармояларни ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар. Ҳозир-

ги кунда гольф клубнинг маълум қисми очилиб дастлабки муҳлисларни бағрига қорлади. 9 та майдонда республикадаги дастлабки гольф ихлосмандлари мутлақо янги ва қизиқarli спорт тури сирларини ўрганмоқдалар. Бинобарин, бир қараганда оддий ва осонга ўхшас ҳам гольф беллашуви кишидан жуда улкан маҳоратни: тўпни аниқ йўллаб олиш, зарба кучини ҳисоблаш, бутун диққат-эътиборини бир жойга жамлаб ҳаракат қила олиш ҳислатларини шакллантиришни талаб этади. Ҳозир Ўзбекистон аҳолиси учун аъзолик билетларини сотиш ишлари ҳам бошланиб кетди. Шуниси эътиборга лойиқки, клубнинг дастлабки доимий аъзолари учун бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган.

Ҳа, Тошкентдаги гольф клубининг бунёд этилиши ушбу спорт тури жаҳон бўйлаб «қайта туғилаётган» тобора катта қизиқиш уйғотаётган шукуҳли дамларга тўғри келди. Энг қувонарли томони, гольф кўргазмалари спорт тури сифатида Олимпия ўйинлари дастурига киритилди. Бу демаски, ушбу спорт турининг келажаги порлор. Республикада спорт ишқибозлари Мо-

сквадаги гольф клубининг фаолияти, унга жаҳон спорт, санъати ва сиёсати юлдузларининг ташриф буюришига ҳавас билан қарардилар. Мана, тез кунларда Мустақиллигимизнинг ноёб қосоналаридан бири сифатида Тошкент гольф клуби ҳам ўз қизгин фаолиятини бошлайди. Бу эса аjoyиб табиат кўйида дам олиб гольф мусобақалари

қилиш ниятида бўлган минглаб республикадаги меҳмонларини ўзига жалб этишга шубҳа йўқ. Натижада ҳам республикадаги Мустақиллигимизнинг ноёб қосоналаридан бири сифатида Тошкент гольф клуби ҳам ўз қизгин фаолиятини бошлайди. Бу эса аjoyиб табиат кўйида дам олиб гольф мусобақалари

қилиш ниятида бўлган минглаб республикадаги меҳмонларини ўзига жалб этишга шубҳа йўқ. Натижада ҳам республикадаги Мустақиллигимизнинг ноёб қосоналаридан бири сифатида Тошкент гольф клуби ҳам ўз қизгин фаолиятини бошлайди. Бу эса аjoyиб табиат кўйида дам олиб гольф мусобақалари

қилиш ниятида бўлган минглаб республикадаги меҳмонларини ўзига жалб этишга шубҳа йўқ. Натижада ҳам республикадаги Мустақиллигимизнинг ноёб қосоналаридан бири сифатида Тошкент гольф клуби ҳам ўз қизгин фаолиятини бошлайди. Бу эса аjoyиб табиат кўйида дам олиб гольф мусобақалари

қилиш ниятида бўлган минглаб республикадаги меҳмонларини ўзига жалб этишга шубҳа йўқ. Натижада ҳам республикадаги Мустақиллигимизнинг ноёб қосоналаридан бири сифатида Тошкент гольф клуби ҳам ўз қизгин фаолиятини бошлайди. Бу эса аjoyиб табиат кўйида дам олиб гольф мусобақалари

Ҳамкорлик

ОПАМНИ ЭШИТИШ БАХТИ

— Бугунги кунда 20 мингга яқин киши эшитиш аъзоларининг турли-туман нуқсонларидан, айниқса болалар шундай нуқсонлардан азият чекимоқда, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари А. Ерқулов. — Бинобарин, уларни даволаш учун бизда етарли миқдордаги юксак малакали мутахассислар бўлса-да, жиҳозларимиз ҳозирги талабларга жавоб бермайди.

Япония ҳукумати гранти шарофати туфайли болаларнинг харид қилиб олинган янги жиҳозлари бус-бутун ташхис жиҳозларидан иборатдир. Бу жиҳозлар эшитиш нуқсонларининг энг но-эик жиҳатларига аниқлаш имконини беради. Ана шу жиҳозлар шарофати туфайли мутахассислар ҳас-таликларнинг даражаси ва сабабларини тезкорлик билан аниқлашлари мумкин.

— Ана шу жиҳозларнинг ўзида — болалар бонгала-рида, мактабларда, маҳал-ларнинг ўзида маслаҳат тарзидаги тадқиқотларни олиб бориш имкониятига ҳам эгамиз. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ушбу марка 1980 йилдан бундан фаолият кўрсатади. Сўнгги вақтларга қадар у фақатгина масла-ҳат-ташхис маркази бўлиб қолган бўлса, эндиликда у

диликда биз жойларнинг ўзида — болалар бонгала-рида, мактабларда, маҳал-ларнинг ўзида маслаҳат тарзидаги тадқиқотларни олиб бориш имкониятига ҳам эгамиз. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, ушбу марка 1980 йилдан бундан фаолият кўрсатади. Сўнгги вақтларга қадар у фақатгина масла-ҳат-ташхис маркази бўлиб қолган бўлса, эндиликда у

қув-услубий марказ ҳам-дир. Бу ерда республика-нинг барча вилоятларидан келган мутахассислар ўз малакаларини ошириш-лари мумкин.

— Кейинги вақтларда биз Япония ҳукумати йўли билан 500 минг доллардан зиёд миқдордаги турли-туман тибиёт ускуналарини олдик, — деди «Соғлом авлод учун» жамғармасининг раиси Гулнора Йўлдошева. — Ва шу бонсдан бугун биз яна бир марта Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулод-да ва Мухтор элчиси Коичи Обатага ҳамкорлик ва қўллаб-қувватлагани учун миннатдорчилик билдира-миз. Бундай ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртаси-даги муносабатларнинг мустаҳкамланишида муҳим омил бўлади.

(Ўз муҳбиримиз).

СУРАТЛАРДА: кафедра ассистенти Ш. Ҳужамов ва жиҳозга техник хизмат кўрсатиш оператори Ф. Ражабов иш устида; марказ шифокор-отоларингологи С. Орипов ташхис жиҳози-да эшитиш ҳолатини аниқ-лаш ҳаракатида.

Рашид Галиев
олган суратлар.



ЯНГИЛИКЛАР, ВОКЕАЛАР, ХАВАРЛАР

БУГУНГИ КУН НАФАСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Тошкентда «Ўтиш даври шароитида «Инсон ҳуқуқлари» курсини ўқитиш» мавзуида илмий анжуман бўлди.
- «Қамолот» республика ёшлар жамғармасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг энг фаол иштирокчилари деб эътироф этилган ёш авлод вакилларига мукофотлар топширилди.
- Янгийўл шаҳрида Ўзбекистон Миллий банкининг шаҳар бўлими очилди.
- Қаршида Мустақиллик байрами арафасида чойхона ва Бахт уйи фойдаланишга топширилди. Теннис корти қурилишида ҳам ишлар низоҳасига етказилмоқда.
- Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ташқи ишлар, мудофаа вазирларининг маслаҳат учрашуви бўлди. Учрашув иштирокчилари Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш билан боглиқ масалаларни, шунингдек Афғонистон чегарасидаги аҳволни муҳокама қилдилар.
- Термизда ер ости йўли ва Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган «Тик», «Дамас» ва «Нексия» автомобилларини сотадиган савдо маркази фойдаланишга топширилди.
- Темурийлар тарихи давлат музейида «Ўзбек-музей» жамғармаси, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва маҳалла жамғармаси томонидан уюштирилган «Мустақиллик, музей ва маънавият» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди. Миллий банк XV асрга оид бўлган қадимий қозонни музейга совға сифатида топширди.
- Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейида Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллигига бағишланган кўргазма очилди.
- Хоразм вилояти хотин-қизлар кўмитасининг делегацияси Тошкент вилоятига ташриф буюрди.
- Андижон вилоятининг Куйганёр шаҳарчасида бунёд этилган туман шифохонаси дастлабки беморларни қабул қилиб олди. Шифо масканида беморлар учун барча шароитлар яратилган.

ЖАҲОНДА

- Америка Қўшма Штатларининг энг нуфузли нашриётларидан «Сент Мартин Пресс» (Нью-Йорк) Буюк Британиянинг «Керзон Пресс» фирмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини босмадан чиқарди.
- Бугун Украина халқи миллий байрам — Мустақиллик кунини нишонламоқда. Кўни кеча Тошкентда Украина элчихонасининг янги биноси очилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали маро-

ПОЙТАХТНИНГ
БИР КУНИ

Иқтисодий • Ижтимоий соҳа • Маданият

симда Ўзбекистон ҳукумати, мамлакатимиздаги хорижий дипломатия корпуси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Кеча Россия ҳукумати Бош вазир Сергей Кириенко бошчилигида истеъфода қикди. Собик Бош вазир Виктор Черномырдин Россия ҳукумати бош-лиги вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

• Америка Қўшма Штатлари Афғонистон ва Судандаги нишонларга ракета зарбалари берди. Президент Билл Клинтоннинг сузларига қараганда, террорчилик ҳаракати билан боглиқ бўлган объектлар аниқ нишонга олинди. Суданда Хартурм шаҳри яқинидаги қиммий қуроллар ишлаб чиқарадиган за-вод портлатиб юборилди. Афғонистонда эса саудиялик машҳур террорчи Осам бин Ладеннинг ма-кони бўлмиш объектлар нишонга олинди. Бу жойларни Президент Клинтон терроризмининг энг фаол маконларидан бири деб ҳисоблайди.

• Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе баёнот билан чиқиб Вашингтоннинг ҳарбий ҳаракатини қатъият билан қўллаб-қувватлади. Унинг сузларига қараганда бугунги кунда халқаро террорчилик бу-тун жаҳон учун жуда катта хавфлардан биридир.

• Хабар қилиб ўтилганидек, АҚШ Судан ва Афғонистондаги нишонларига қарши «Томагавк» қанотли ракеталаридан 79 тасини йўллади. Берилган бомба зарбаларидан Суданда 10 киши, Афғонис-тонда 50 киши, шу жумладан араб мамлакатлари вакилларида 15 киши ҳалок бўлди, ўнлаб киши жароҳатланди.

• Судан унинг ҳудудига ракета зарбалари берил-ганлиги муносабати билан БМТ Хавфсизлик Кенга-шини зудлик билан чакришни талаб қилди. Шунин-гдек Судан Вашингтондан ўз дипломатларини ча-қириб олишга ҳам қарор қилди.

• Косоволик албанлар Феми Агани раҳбарлиги-да Белград билан музокаралар бошлашга рози эканлигини билдирдилар. Косово Озодлик Армия-си деб аталган жангари ташкилот аъзолари деле-гация таркибига киритилмади.

• Шанба кунини Доғистон пойтахтидаги турар жойлардан бирида портлаш рўй берди. Уй бутунлай вайронга айланди, тўрт киши касалхонага ётқизил-ди. Ҳозирча портлаш сабаби аниқланганича йўқ.

• Жума кунини Махачқалъада жума намозиға ке-таётган Доғистон мусулмонларининг муфтийси Саидмуҳаммад Абубакаров автомобилга яширинган бомбанинг портлаши оқибатида ҳалок бўлди. Муф-тийнинг ўлими муносабати билан 22 ва 23 август кунлари республикада мотам кўни деб эълон қи-линди.

• Кеча Бундестагга сайловлар бўйича, шунинг-дек Германия федерал канцлери сайлови бўйича расмий равишда тайёргарлик бошланди. 27 сентя-брь кунини немислар Бонннинг ҳозирги ҳукмрон ко-алицияси бошлиғи Гельмут Колл ва унинг ҳозирги рақиб — социал-демократ партиясидан бўлган Куйи Саксония ери бош вазири Герхард Шредер-дан бирини танлайдилар.


• Албанияда НАТОнинг ҳарбий машқлари мудда-тидан илгари низоҳасига етди.



• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биноси.

— Махаллаларнинг ўз-ўзини бошқариши — бу истиклол шарофати. — деди хамсубхатим, — авваллари шундай эдимиз? Махаллалар номи бор эди ҳолос. Ҳозир ҳар бир маҳалла — Ватан ичра Ватан дейилмоқда.

Ундан «Ўзингиз кимсиз? деб сўрамоқчи эдим. Хайтовур унинг ўзи сўз бошлаб қолди.



Мустақиллик
майдонидаги оҳбат

ҲАЁТ КАРВОНИ

— Юнусобод туманидаги «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласининг оқсоқолиман, 15 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади маҳаллада. Асосан кўп қаватли уйларда яшаётган улар.

— Кўп қаватли уйлардаги маҳаллаларда иш юритиш осон эмасдир?

— Ўзига яраша қийинчиликлари бор. Лекин ҳамма гап ишни тўғри йўлга қўйиб олишда, одамларнинг бошини бир ерда қовуштиришда.

Эркин Тўраев тўғри айтиди. Ун-ун беш йиллар аввал маҳаллалар фақатгина участкаларда ташкил этилган эди. Кўп қаватли уйларда мумкин эмас деган беъни ақида ҳукмрон эди. Сабаби ҳар хил: турли миллат вакиллари яшайди, кўп қаватли уйларда тадбир ўтказиб бўлмайди... Лекин булар эканку! Ҳозир Тошкентда 500 дан ортиқ маҳалла бўлса, уларнинг жуда кўпчилиги кўп қаватли уйлари қамраб олган. Одамлар ахил, сен ўзбек, мен рус, мен корейс деган гаплар йўқ. Тўйда ҳам, маъракада ҳам бир жон, бир тан.

— Чунки одамларнинг нияти битта: бир-бирига ҳамкор бўлиш. Наврўз, Мустақиллик байрамларида, Рамазон ва Қурбон ҳайитларида бу байрам меники, бу байрам сеники деган гап йўқ. Бу бир-бирига бўлган чуқур ҳурмат нишонаси эмасми ахир?

— Тўғри, Эркин ака. — дея уни қувватладим. — Маҳалла тарбия маскани, ахиллик маскани.

— Ана, ана, — Эркин ака жонланиб кетди. — айниса тарбия маскани эканлиги тўғри. «Қуш уясида қўрганини қилади» дейдилар. Маҳалла ёшларимизнинг оёғини. Демак улар илк тарбияни маҳаллада олишлари керак-да.

Яқинда бир йигитни кўриб қолдим. Ўғлини дарахларни синдираётганини кўриб, тоза койингандим. Раҳмат айтиди менга. Ҳозир ўша бола мени кўрди дегунча қўл қовуштириб четга чиқиб туради. Мен бу билан иззат талаб қилаётганим йўқ. Уни ўз ўғлимдек талаб қилаётганим йўқ. Маҳаллада ҳамма мана шундай бўлиши керак.

Оқсоқолга қараб туриб ўйладим. Авваллари оқсоқоллар тўйларда, маърака-

ларда бош-қош бўларди, ҳолос. Ҳозир унақа эмас. Маҳалла оқсоқоли ўзига хос бир мўъжаз Ватанга бош-қош. Шу Ватаннинг камолотини, эртасини ўйлайди. Ҳамманинг кўнглини олиши керак. Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг асл мақсади ҳам маҳаллалар ишини режалаштириш, Ватан равақи сари йўналтиришдан иборат.

— Бугунги оқсоқол — маҳалла отаси, — деди Эркин Тўраев ўйчан, — ота бўлиш эса жуда масъулиятли. Ўзингиз ўйланг: оқсоқол ҳам тадбиркор, ҳам юксак маънавиятли, ҳам иқтисодчи, ҳам сиёсатдон бўлиши керак. Хуллас, ўн беш минг одам менга эргашиши керак. Мен уларнинг ишончини оқлашим керак...

Маҳаллада муаммо йўқми? Бор. Маҳалламиз гузариди новвойхона ишляпти. Ҳар бир хонадон иссиқ нондан баҳраманд бўлаётти. Энди қандолат цехи ҳам очамиз. Нима қилсақ маҳалла обод бўлади, одамларнинг мушқули осон бўлади — фаолларнинг нияти шу, шу йўлда интиламиз. Авваллари шундай бўлармиди? Йўқ. Ҳатто битта идора ҳам йўқ эди. Ҳозир маҳаллалар ўзининг мухташам гузарига эга. Гузарда ҳамма нарса бор, йўғи барпо этилди. Менинг ҳам, орзумим шу-да: кимга нима зарур бўлса шундоқ гузарга чиқсаю мундоқси ушалса...

Оқсоқолга бир чеккаси ҳавасим ҳам келди. Нукул маҳалласини ўйлайди. Дарҳақиқат Мустақиллик йилларида маҳаллаларнинг фаолияти кўчади, эътибори, ҳурмати ошди. Энди кўп болали оилаларга ёрдам беришдан тортиб, тарбия масаласига ҳам маҳалла қўмиталари масъул. Энг муҳими одамларда эгаллик туйғуси, маҳалла шарафини ошириш туйғуси кўчади. Маҳалла обрўси — бу юртимиз обрўси эканини деярли ҳамма чуқур англаб етди.

— Мустақиллигимизнинг етти йиллигига тобора яқинлашиб келмоқдамиз, — деди Эркин Тўраев. — Маҳалламиз ахли бу миллий ва улуг байрамимизни қўлни қўлга бериб қўтиб олмақда. Озода, тоза қўчалар, кўркам уйлар, яшил боғчалар бу маҳалламиз кўрки. Энг муҳими меҳнатсевар кишиларимиз бор. Қўни кеча шаҳар «Маҳалла кўни» байрамида қатнашди. Маҳалла катта кўч эканини кўриб, келажакимиз нурафшонлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Мана шунинг учун ҳам мустақиллик медаллари деганда дастлаб маҳалла кўз олдимга келади. Мана шунинг учун ҳам бу оқсоқолларга катта эътибор берилляпти. Бу йилги аттестация билимимиз, таъкилотчилигимиз учун катта синов бўлди. Чунки маҳалла ҳаёт карвони экан, унга сарбон бўладиган одам етук, шу карвонни ҳамиша олға бошлай оладиган бўлиши керак-да!

Оқсоқол тўғри айтиди: маҳалла — ҳаёт карвони. Бу карвон эса Мустақиллигимизнинг ўзига хос намоён бўлишидир. Оқсоқол билан анча суҳбатладим. Ниятлари кўп экан дилида. Энг олий нияти эса — «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласининг ҳамиша ўз номига муносиб бўлиши йўлида фидойилик кўрсатишдир.

Темура УБАЙДУЛЛО.

Ўзбекистон Мустақиллигининг етти йиллиги олдидан



ИСТИҚЛОЛ КОШОНАЛАРИ

Истиқлолнома

ЧОРЛАЙДИ ҲУМО!

Борлиқ узра қўғи қўйганида бош,
Бу заминнинг ҳусни бугун ўзгача!
Тарихига тилсиз тоғу тош сирдош,
Не-не қўнлар ўтди бизга етгунча!

Ўтмишда ҳам ошно, шодликлар йироқ,
Ўзбегим санади ҳар бир кунини.
Мустақиллик унга чек қўйди бироқ,
Кундуздек порлатди ҳатто тунини!

Индиликда олға, эй дўст олға,
Қуруқ гапга сарҳуш дамлар йўқолсин!
Қуликнинг тамғаси «ўроқ ва болға» —
Ўрнига давонаш гулчамбар бўлсин!

Гербида савлатдор улуг қўш Ҳумо,
Бахт учун қурашга халқни чорлайди!
Бахтисан, ўзбегим, мард бўл доимо,
Номинг юлдуз каби мангу порлайди!

Сайфулла ДЎСТҚУЛОВ.

ЮПЛАМ СЎЗ

Мустақиллик — тотли сўздорсан,
Тилимдан ҳеч қўйгим келмайди.
Мустақиллик бахти сўздорсан,
Бу дунёда тенгинг бўлмайди.

Мустақиллик — бошимдаги қуш,
Қанотингда хурик тунднинг сен.
Мустақиллик — отам кўрган туш,
Ҳаётимга қўчиб ўтдинг сен.

Туроб НИЁЗ.

ОЛАМДА БИР ЮРТИ БОР

(Қўшиқ)

Оламда бир юрт бор ягона, танҳо,
Юракка бир умр яқин, ошино,
Ҳар қарич гўшаси бебаҳо, тилло,
Бир сиқим тупроғи кўзга тўтиё.

Бу озода Ватандир, обод Ватандир,
Аждодлар мероси — абад Ватандир.
Тинчликка, дўстликка метин қўргондир,
Осиё машғали Ўзбекистондир!

Оламда бир юрт бор, байроқ мисоли,
Ҳилпарар бўлиб эрк, хурик тимсоли.
Тинчлик, бахт-саодат олий аъмоли,
Эртаси порлоқдир, ёрқин жамоли.

Оламда бир юрт бор, ҳар бир Инсонни,
Қилса касб ўзига юксак унволини.
Мардлик ва жасорат, етук йўмонни
Улуғлар, кўксига тақар нишонни.

Посбонинг эканмиз Ватан-Онажон,
Кўксимиз сен учун пўлат қалқондир!
Искандар РАҲМОН.



ИСТИҚЛОЛ КОШОНАЛАРИ



• Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси.

Ҳар даврнинг ўзига яраша қўшиғи бўлади.
«Фабриканинг йўлидан рўмолча топиб олдим».
Топиб олди деманглар, арзонга сотиб олдим».
деб астагина хиргойи қилиб юрган даврларимизда Тошкент тўқимачилик
комбинати эндигина қад ростлаётган эди. Кейинчалик ушбу қорхонанинг
шўхрати ортиб, доврўғи оламга тарала бошлагач, юқоридаги қўшиқни
бор ва жўр овоз билан айтадиган бўлди. Яқин-яқинларгача бу қўшиқ
тилимиздан туцмай келди.

Йиллар, давр ўзгарди. Юртимизда
истиклол шаббодаси эса бошлади.
Мустақиллик шарофати билан энди ал-

Тошкентда тайёрланган

ЖАҲОН БОЗОРИГА ҚАНОТ ҚОҚМОҚДА

мисокдан қолган, кам қувватли техникалар билан жихозланган қорхоналар ўрнига янги, замонавий ускуналар билан қуролланган қудратли қорхоналар бунёд бўла бошладики, бугун улар ўз махсулоти билан дунё бозорини кезиб юрибди. Янги замон қўшиғимизга ҳам янгича руҳ киритишни тақозо этди. Энди биз:

«Истиқлол машғали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!»
дея баралла қўйлай бошладик.

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз тобора юксалиб, жаҳон узра буй чўзиб, янада кўркам ва обод бўлиб бормоқда. Бугун қўшили юртимиз бағрида қад кўтарган қошоналарни санаб адогига етиш қийин. Бугун биз мана шундай қошоналардан бири ўзбек-америка қўшма қорхонаси «Супертекстиль» ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Бу қошона Юнусобод туманининг 9-мавзесида қад кўтарган. Бугун неча-неча бахтиёр аёллари ўзига чорлаб, инсон меҳнатини энгиллаштирувчи гарройиб техникалари билан уларнинг огирини энгил қилиб турибди. Бир қарашда бу ердаги жараён «Тошқимачи» ишлаб чиқаришини эслатса-да, лекин ҳар иккала қорхона ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиб олиш унчалик қийин эмас. Хусусан, «Тошқимачи» цехларидаги ускуналарнинг қулоқларни қоматга келтирувчи овози, ишчиларнинг шовқин-сурони бу ерда йўқ. Цехга ўрнатилган техника ва технологиялар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси янги, кўп-

қувватли, шовқин-суронсиз ишлайди. Тайёрлов цехидаги ускуналар Швейцариянинг «Ритер» фирмасидан келтирилган. Йигирув цехидаги машиналар Германиянинг «Цинзер» фирмаси ва ўраш машиналари эса Япониянинг «Мурата» фирмасиники. Бу ускуналарни сошлаш ишларини Американинг «Ай-ти-ай» фирмаси билан биргаликда Венгрия ва ўзбекистонлик мутахассислар бажаришган.

Жаҳон андозасидаги махсулот ишлаб чиқарадиган бу қорхона биносининг нафақат ташқи кўриниши, ҳатто ички томони ҳам шахримиздаги турдош ишлаб чиқаришлардан фарқ қилади. Цехлар ёруғ ва озода. Оёқ остида чиқит у ёқда турсин, ҳатто биронта чўп ҳам кўринмайди. Цехни тўлдириб турган техникаларнинг ҳаммасини 65 кишигина бошқаради, ҳолос. Ҳар бир ишчи иккитадан йигирув машинасига қарайди. Бу техникаларнинг ҳар бирида 840 тадан урчиқ бор. Яъни улар бирийла 1680 та калавани йигиради, деган сўз.

Табиийки, ўз махсулотини жаҳонга чиқарадиган қорхонага ҳамма ҳам осонгина ишга қабул қилинавермайди. Бу ерда фақат иқтидорли, ўз касбини жон дилдан севувчи, мураккаб техникалар билан тиллаша оладиган, гайрат ва ишжоватли мутахассис ва калаваловчиларгина ишляшади.


Шундай замонавий йирик ишлаб чиқариш Юнусобод туманида қандай қилиб тез қад кўтаргани бугунги кунда кўпчиликини қизиқтириши табиий. Уларга айтишимиз мумкинки, ушбу бинқ бундан 20 йиллар илгари қўриб, фойдаланишга топширилган ва у дастлаб «Тошқимачи», кейинчалик «Юлдуз» хиссадорлик жамиятининг филиали сифатида фаолият қўрсатган эди. Иқтисодий шариот тўғрисида ишчилар сони қисқариб, бино деярли бўшаб қолди. Шундан кейин «Ўзгилсанот» уюшмаси ёрдамида уни нуфузли қорхонага айлантириш нияти туғилди. Америкалик ҳамкорлар билан келишувга мувофиқ қўшма қорхона шу ерда жойлашадиган бўлди. Шундан кейин бино бутунлай қайта таъмирланиб, замонавийлаштирилди. Унинг цехларидан хорижий техникалар ўрин олди.

«Супертекстиль» тобора қад ростламоқда. Унинг махсулоти эса жаҳон бозори узра қанот қоқмоқда.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ.



• Ҳамза туманидаги академик Содик Азимов кўчасидаги маҳалла гузари.



• «Жар» спорт маркази.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Улуғ Мустиқилликнинг 7 йиллиги байрами оstonасида турибмиз. Мамлакатимизда, она шаҳримиз Тошкентда бу кутлуг шодибонага тайёргарлик авжида. Улкан қурилишлар, фэйзиёб кўчалар, хиёбонлар барпо этилаёпти. Сўнгги пардозлар, сайкаллар берилаяпти. Дарҳақиқат байрам энг аввало озодагарчилик, тозаллик, демакдир. Тошкент шаҳрида 25 йилдан бошлаб ўтказилган ободонлаштириш ойлиги ҳам эртага ўз нихоисига етади.

Одатда уйимизда оддийгина маросим бўладиган бўлса, дастлаб уйлар тозаланади. Ховлилар чинидек қилинади, эшигу ромлар артилади. Ҳаммаси хонадонимизга ташриф буюраётган меҳмонларнинг таъби равшан бўлиши учун.

Шаҳримиз ҳам озодагарчилик, ободонлаштириш ойлигидан кейин, янги либос кийгандек гўё... Ўзим доимо юрадиган Хусниддин Асомов кўчасидаги ўзгаришларни айтиб ўтиш жоиз. Кўзга ярқ этиб ташланган ҳолат — бу ариқлардаги қатлам-қатлам лойқаларнинг барҳам тоғанидир. Йўлқалар супурилган, ҳар қандай хас-хазондан холи. Хусниддин Асомов кўчасининг бошидан оёғига шундай манзара мавжудлиги кишини қувонтиради.

Покизалик

ҚАЛБИМИЗ БУЮРГАНИ

Маълумки, пойтахтимизда кенг кўламда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш бўлган жойда чанг-тўзон бўлиши, атрофда бесаранжомлик ҳукм суриши табиий. Лекин шаҳримизда бундай ҳолини кўрмайсиз. Қурилиш майдонларида ҳам покизаликка эътибор қўчилиши сезилиб турибди. Осмонга ўрлаган чангу тўзунни, ивирсиб ётган қурилиш ашёларини кўрмайсиз.

Бугун хиёбонлар айниқса сўлим. Амир Темури хиёбонига борган кишининг кетгиси келмайди. Учта фаворонинг шовуллаб туриши шунчалар оромбахши асти қўяверасиз. Ёки «Зангори гўмбазлар» хиёбони-чи? Бояи Эраму, Жангтоҳ-чи? Ҳаммасида чирой, фусун бор.

Одатда Ёски шаҳар ҳақида гап кетганда ундаги антисанитария ҳолатини қаттиқ танқид қиламиз. Бугун ундай эмас. Озодагарчилик, санитария-гигиенага амал қилиш одамнинг ўзига кераклигини ҳамма тушуниб етгапти чоғи. Форобий кўчаси, Сағбон кўчасининг икки чети яшил майсалардан обод бўлапти. Бозор атрофида ҳам тартибга эътибор берилаятгани кўзга ташланапти. Хуллас, шаҳримизнинг қайси туманига борманг, қайси кўчасига кирманг ободонлаштириш, тозалик ойлигининг изларини кўрасиз. Фақат дилимизда битта ният бор: ҳамшаҳарларимиз бир ой эмас, йил ўзи икки ой ободончиликка эътибор берсалар. Чунки бир ой тозалик эълон қилиб, ўн бир ой бепарво юриб бўлмайди.

Чикиндилари кайта ишловчи қудратли завод ишга тушиб қолса бу мушкул ҳам енгилашарди.

Табиатдаги мувозанатни сақлашда яшил посбонлар — дарактларнинг хизмати нихоятда каттадир. Шу сабабли ҳам Тошкентнинг яшил белбоғини яратишда фаол қатнашиш ҳар биримизнинг виждон ишимиз бўлиши керак. Яшил белбоғ бугун ҳар қачонгидан ҳам зарурдир. Сабаби атмосфера ҳавосини тозалашда дарактларнинг хизмати бекиёс.

Яшил белбоғ — қуюқ дарактзорлар яратиш давр тақозосидир. Азалдан Тошкент яшил шаҳар ҳисоблана келинади. Лекин кейинги ўн йиллар мобайнида шаҳардаги дарактларнинг кўпчилиги (қаригани боис, қурилишлар сабаб, кўплари бесабаб) кесиб ташланди. Ўрнини тўлдириш эса асло ўйланмади. Демак бугун шу ҳатоимизни тузатишимиз зарур. Эртага эса кеч бўлади.

Озодагарчилик қон-қонига сингиб кетган халқнинг фарзандларимиз. Бу нарсаси бизнинг ҳар биримизнинг ишимизда қўрилмоғи шарт эмасми? Ҳар биримиз ўз уйимизни, ҳақрағи, кўчамизни тоза сақлашимиз шаҳримизнинг озодагарчилигига гаров эмасми?

Ҳадемай юртимизда улуғ байрам. Пойтахтимиздаги Мустиқиллик майдони ҳар қачонгидан гўзал бўлиб яшнаб турибди. Фаворалар худди қалбимиздаги орзуларимизга ҳамоҳанг шовуллабди.

Азизлар, шаҳримиз байрам арафасидаги қаби гўзал дилдорлар бўлсин ҳаммаша! Бунинг учун кўп нарсаси керак эмас. Озгина ҳафсала, ғайрат бўлса бас. Шундай қилайликки шаҳримизга келган киши бир донга гугурт чўпини ҳам ерга ташлагани уялсин.

Обод ва озода Ватанимиз пойтахти Тошкент азалдан саховат ва садоқат билан донгдордир. Саховат ва садоқат эгаси бўлайликда, она шаҳримиз табиатига меҳримизни берайлик. Унинг табиати худди жаннатдек сўлим, гўзал бўлсин.

Шаҳрим кўчаларини кезиб юриб, шу фикрлар қалбимдан кечди. Аминманки, ҳар бир тошкентлик ҳам шундай ният қилган, эгзу юмушларга бел боғлаган. Аслида табиат ҳам эзгуликка ўзи ошён бўлса ҳам эзгуликка муҳтождир.

Тоҳир Йўлдошев.



№ 8 (80) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси



Гарчи ёз туғаб бораётган бўлса-да болаларнинг қувончига нихоя йўқдай. Улар табиат қўйнидан узоқлашишни истамайпти. Равиль Альбеков олган сурат-лавҳа.

Қатрала

ЗАМИН МЕҲРИ

Ток бу йил шигил ҳосил қилди. Унинг гўраларини кўрган болалар:

— Олиб беринг, — дейишга тушишди.

— Э, ҳали булар хом, — дерди бобо уларнинг бошини силаб, — озгина сабр қилинглар, пишади.

Бу орада қулупнай пишиди, гилос пишиди, ўрик пишиди, аммо гўралар ҳамон кўм-кўк эди.

— Қачон пишади? — дейишди болалар.

— Ҳали яна озгина бор, — дерди бобо.

Қуёш қиздиргандан қиздирди. Бугун ҳовлини эгаллаган сўри устидаги тоқнинг қуюқ сояси ҳамма ни иссиқдан асради.

— Яхши экан-а, — деди неваралардан бири, — узуми узиммаса ҳам сояси яхши экан.

— Бу гўрालиғидан узумни узиб ташламаганинг учун тоқнинг сенга раҳмати, — деди бобо.

Ниҳоят август ойининг ўрталарида узум пишиди. Унинг сап-сарик гўжумлари қуёшда олтиндек товланар, еса қарсиллаб, шарбати сачарди.

— Вуй! ширинлигини! — дейишди болалар узумни талашиб ейишар экан.

Узумни ширин қилган болаларнинг оёқлари остидаги ер меҳри эканлигини улар ҳали билишмасди.

КУНГАБОҚАР

Болақай каттақон лаганга аңқайиб қараб қолди.

— Қаердан келдиқан? — ўйлади у, — сўрасам бир хил гул шунақа гуллайди дейишувди. Поглари ҳам йўғон, гул эмас бу.

Бола бир амаллаб кунгабоқар-

нинг «лаган»идан ушлади. Қараса бир лаган писта.

— Оҳ-х, — деб юборди болақай!

Кунгабоқарнинг гуллари тўкилди. Пистанинг пўчоғи қуриди. Атрофидан қушлар гўжон сўйлай бошлади. Бола уларни калтак олиб ҳайдади:

— Борларинг-эй, бу менинг пистам.

Кунгабоқар бошини сарак-сарак қилиб лиқиллатди.

— Қўвер, ҳайдама, — дерди гўё, — ахир уларнинг ҳам ризқи бор. Ҳаммангизга етади менинг ҳосилим.

Бола буни тушунмади. Пистани қарсиллатиб чакди. Мағзи тўқ экан, суюнди. Қушлар яна ёпирилиб келди. Бола яна ҳайдади.

— Кўй, ҳайдама, — деди яна кунгабоқар бошини шамолда сарак-сарак қилиб, — ахир қушлар мени қурт-қумурсқалардан ҳимоя қилмаса, обихаёт — сув жон ато қилмаса, она Ер бағрига босмаса, ҳосил қилармидим...

Болақай буни тушунишига ҳали бор. Унга мағзи тўқ писта бўлса бас...

МЕҲРИБОН

Бутун умри тувакда ўтган гулни ҳовлидаги гуллар орасига экиб қўйишди. Гул илдишларини келди: оҳ, маэзза! Бу ер кенг, ҳар ҳолда тувак эмас... Шамолни қаранг, бирам майин! Олам бундай кенг ва сеҳрли эканку!

Бир маҳал тоғлар ортидан ловуллаб қуёш кўтарилиб қолди. Унинг илдиш нурлари гулга ором берди. Бироздан кейин қуёш қиздира бошлади.

— Войдод — бу нима ўзи! — Оҳ-воҳ қилди тувакда ўсган гул. — Ахир мени ҳалок қилади-ку.

— Ҳалок қилмайди, — дейишди

унга ёнидаги гуллар. — жуда нозик бўлиб кетибсан. Қуёш — барча тиррик жоннинг онаси-ку! Она ҳам фарзандини ҳалок қиладими?

Чиндан ҳам бир неча кундан кейин гулнинг гулбарглари қирмизи тусга кирди. Худди барқутдек бўлиб кетди. Энди ҳар сахар энг аввал қуёшга юз тутадиган бўлди.

— Сен менинг онамсан, — деди у қуёшга.

— Мен дунёдаги ҳамма жонзотларнинг онасиман, — деди қуёш қулиб, — шунинг учун қайноқман!

ЧАШМА

Булоқ милтиллаб оқиб ётар эди. Чўпон ундан қониб сув ичди. Атрофини тошлар билан ўради. Кўзини каттароқ очиб қўйди. Булоққа жон кирди. шарақлаб қайнаб чиқди. Ҳовузчани тўлдирди. Тошлардан ошиб, пастга қараб югурди.

— Сув, — деди болалар, — келинглар, чўмилиамиз.

— Сув! — деди дехқон, — буни қаранг-а, Оллоҳнинг нўммати-ку бу! — У дарҳол жўяқлар очиб, ерни экин-зорга айлантирди. Булоқ сувлари энди кенг пайкални сугорарди.

Чўпон бир куни булоқ бошига келди. Булоқ кенгайибди. Яқинида дарактлар кўкарибди. Даракт тағида мўъжазгина супа. Чўпон қувонди. Ҳовуллаб сув ичди.

— Ич, ичавер, эй меҳрибон инсон, — деди булоқ шилдираб, — сен менинг умримга мазмун қўшдинг. Пастга қара. Ҳаммаёқ яшнаб ётибди. Агар сен кўзимни очмаганингда балки йўқ бўлиб кетармидим. Раҳмат сенга, олижаноб инсон!

Чўпон ўзининг қўлларига қаради. У булоқ кўзини шу қўллари билан очганди. Қўлларини табиат ҳуснига хусн қўшса қандай яхши!

Ғолиб МИРЗО.

Мутасаддиқар фикрича...

МЕЁЁР — МЕЗОН

Ҳар нарсанинг меёёри бор. Шу жумладан атмосфера масаласида ҳам қатъий меёёрлар белгиланган. Бу Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосининг муҳофазаси тўғрисида»ги Қонунида ёзиб, белгилаб қўйилган.

Бугун ушбу Қонуннинг баъзи моддаларида баён этилган қоидаларни эслатиб ўтмоқчимиз. 7-моддада қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича атмосфера ҳавосининг сифатини белгилловчи ягона меёёр белгиланади. Худди шундай 8-, 10-, 11-моддаларда ҳам турли манбалардан чиқадиган зарарли, захарли моддаларнинг меёёри қатъий белгилаб қўйилган. Табиат ресурсларидан фойдаланишда айниқса, ҳавога турли моддаларни чиқаришда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар бу меёёрларга қатъий амал қилишлари керак.


Ишлаб чиқариш фаолиятига эга бўлган ҳар бир корхона, албатта, меёёрий ҳужжатларга эга бўлмоғи лозим. Унда атмосферага чиқарилаётган моддаларнинг миқдори, сифати, таркиби қатъий белгиланмоғи шарт. Чикиндиларни йўл қўйилиши мумкин бўлган даража (ПДВ) ана шундай ҳужжатлардан ҳисобланади. Бундай меёёрий ҳужжатни тайёрлашда манбаларни рўйхатга олиш, миқдорини белгилаш биринчи босқич ҳисобланади. Бу иш қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан белгиланган ҳужжатлар асосида олиб борилиши зарур.

ПДВ лойиҳаси тегишли мутасадди ташкилотлар, Тошкентда шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан кўриб чиқилади. Маълумлангандан кейин, рухсатнома берилади ва ушбу ҳужжат асосий мезон саналади. Унда кўзда тутилган барча меёёрларни бажариш зарурлигини таъкидлаш ортиқчадир.

Ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилот, муассаса ўзининг меёёрий ҳужжатида эга бўлса, унга амал қилса қандай яхши!

Ғалима АМИРОВА,

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси меёёрлаш бўлими бошлиғи.



Фаворалар гўзаллик рамзи бўлиш билан бирга салқинлик манбаи ҳамдир.

Рустам Шарипов олган сурат-лавҳа.

Табиат яшноқ. Атроф кўм-кўк гўзал қўрғини касб этган. Айрим меваларга ранг кириб кўзга ташланиб қолган. Сурат чизиш анжомларини олиб ранглавҳалар ишлаш кўйида ўртоқларим билан айилан шохаринг жарлик ерлари атрофидан ярарлик манзара қидирдик.

Бўрижар қачиндаги тик ернинг юкорисидан чиройли, атрофлари четан девор билан ўралган гўзал бир бог олдидан чиқиб қолдик. Мен шу ердан туриб ажойиб манзара чизиш мумкинлигини оғайниларимга тушунтирдим-да, пастаккина шох-шаббалар устидан хатлаб ўтиб, сурат ишлашга тайёргарлик кўра бошладик. Икки ўртоғимдан бири ҳам мен билан «рамзий» девордан ошиб ўтди. Маҳмуд эса узоқда бог-ликлик турган, биз томонга қараб хураётган итга шубҳали қараб қўйди ва ичкарига ўтмай ташқарида туриб иш бошлади. Биз Жамол билан бирга шеригимизнинг шубҳасидан қулиб, уни қўқоққа чиқардик.

— Бу ернинг ҳар қанча қулай бўлишига қарамай Маҳмуд кўрқди қучқуннинг қопишидан! — деди Жамол.

— Ит эгасига ўхшайди! Ҳали қараб турларинг бу ишларининг ишқали чикмаса эди, бекордан-бекорга атрофини ўраб қўймагандир? — деб «тумшугини» осди Маҳмуд уни журъатсизликда айблаётганимиздан ранжиб кўл силтар экан. Бироз ўтиб кучук хуришдан тўхтади. Боглик эканлигини, ортиқча ақиллашдан фойда йўқлигини ту-

шунди чоғи.

Ишимиз қизгандан қизиди. Сурат тарҳини деярли битказиб, энди бўёқларни жой-жойига қўямиз деб турганимизда богнинг ичкари-дан бақирик-чақирик эшитилиб, барзанги йигит пайдо бўлди ва биз томонга деярли қолиб кела бошлади. Мен ҳайратдан қотиб қолдим. Чунки у тезлик билан яқинлашиб келиб қолди. Орамизда ўн метр-

жохлигини чиқди, гуноҳ бизда, — дедим мен бошини энди қўйи эгиб олган, нима дейишни билмай турган йигитга қараб. — Биз сиздан, уй-боғ эгасидан сўрамай хато қилганимиз. Сабаби эса бундай: илгарги бу четан девордан ошиб кирганимиз кўп марта. Чунки бир қария отахонимиз: «Агар чизадиган бўлсаларинг, богим сизларга маъқул келган бўлса, алоҳида сўраб ўти-

тона қўлимни қўяр эканман вужуди хижолатдан титраётганини сездим. — Сизнинг отангиз Сардор амакини билардим. Бу ажойиб богни қандай турганимизда билан бунёд этганларини ҳам билардим. Хув анави катта тут тағида отангиз билан хўп ажойиб суҳбатлар қурганимиз. Чунки мен бу ерга сурат чизиш учун тез-тез келиб турар эдим. Ўзимиз бу атрофда отангиз яратган бог-

болам, фарқ пишиб турибди, гилосларни айтмайсизми? Мен уларни сотмайман, сиз каби меҳмонларга илинаман. Сурат чизмасдан аввал улардан тўйиб тотининг.

Ушанда отангиздан: «Амаки, ўзингиз экан тутинг мевалари ана шунақа фарқ пишган пайти ҳечман устидан терилганини еб қўрганмисиз?» — деб сўраганим ҳам эсимда. Улар эса: «Э, болам-а» тагидан

— Ҳа! — деди, йигит хомуш тортиб, — шундай шукхли дамлар бўларканки, ҳаётда кейинчалик минг бор истам, орзу қилма орқага қайтариб бўлмас экан. Отам раҳматли хўп миришкор эдилар. Энди мен у киши қилган ишнинг ярминям эплай олмаяман. Қулупнайни ҳам парваришини қойиллатолмаганимдан бузиб ташладим...

Суратларни яхшилаб чизиб бўлганча, кетаётганимизда йигит — унинг оти Абдор экан — бизни иззатикром билан қузатиб қўйди ва:

— Отамнинг энг яқин кишиларидан экансизлар, биродарлар! Шу бог сизларники. Отамнинг руҳлари шод бўлади, тез-тез келиб туринглар! Бояги қилмишимни унутинглар, — деди.

Икки кун ўтгач, яна келдим. Қўлимда бундан 5 йил бурун худди уша богда чол ўзи эккан энг катта дарахт — тут тағида ўтирган ҳолатдаги қўрғиниши чизилган, чорчўпа солинган рангтавир бор эди. Уни ўғлига совға қилдим.

— Бу отангиз ва бир оддий расосоннинг қадрдон, қизгин дўстлигидан унутилмас хотира — эсдалик бўлсин! — дедим.

Ўғил сувратни авайлаб олар экан:

— Жуда ўхшатиб чиизбсиз, ўзлари шу тут дарахтини яхши кўрар эдилар. Энг афзал қўрган вақтлари ҳам тут пишғи пайти эди! — деди ва қўздан юзига оқиб тушаётган ёшларни даструълчаси билан арта бошлади...

Баҳром ТОЖИЕВ.

БОСТА КЎТАРГАН ЙИГИТ

(Воқеий ҳикоя)

лар қолганда эътибор берибман: қўлидаги болтани сермаб боши узра кўтариб келаётгани мени тамоман гангитиб қўйди. Шу орада атрофга қараб улгурдим. Жамол аллақачон «девордан» сакраб нариёққа ўтиб бўлибди. Маҳмуд ҳам довдастагини ташлаб узоқроққа бориб қолди. Ҳалиги киши устимга бостириб келиб бирданига бўралаб сўқди, бақирди ва болтани бошим узра дахшатли тарзда кўтарди-ю, менинг хотиржам, чўчима турганимдан ҳайратландими, қотиб қолди. Кучуги ҳам оёғимдан олади деб ўйлаган экан шекилли, мени қопмаганига ҳайрон бўлди. Болтани секин тушириб, итини беозоргина бир тепиб қўйди.

— Кўп қизишманг оғайни, билиб турибман, бесўроқ кирганимиздан

май бемалол кириб ишларингни битириб кетаверларинг! — деганлар. Бу сафар ҳам уша отамиз келиб биз билан суҳбат қуришларини иштиёқ билан кутаётгандим. Афсуски уларнинг ўрнига сиз келиб қолдингиз...

Йигитнинг боши янаям қуйи эгилгандек бўлди. Қўлидаги болтани бир чеккага секин улоқтирди ва:

— Узр сўрайман! — деди. — Шу лаънати болтани кўтариб чакки қилдим. Сезиб турибман, мени ким деб ўйлаётганингизни, — деди секин.

— Йўқ, ёмон фикрим йўқ сиз ҳақингизда. Фақат бироз чўчитиб қўйдингиз-да! Кейинги сафар ўйлашиброқ қадам ранжида қиламизда бу ерларга! — дедим мен бироз ҳазилга олиб, унинг елкасига дус-

тон қўлимни қўяр эканман вужуди хижолатдан титраётганини сездим. — Сизнинг отангиз Сардор амакини билардим. Бу ажойиб богни қандай турганимизда билан бунёд этганларини ҳам билардим. Хув анави катта тут тағида отангиз билан хўп ажойиб суҳбатлар қурганимиз. Чунки мен бу ерга сурат чизиш учун тез-тез келиб турар эдим. Ўзимиз бу атрофда отангиз яратган бог-

болан, фарқ пишиб турибди, гилосларни айтмайсизми? Мен уларни сотмайман, сиз каби меҳмонларга илинаман. Сурат чизмасдан аввал улардан тўйиб тотининг.

Ушанда отангиздан: «Амаки, ўзингиз экан тутинг мевалари ана шунақа фарқ пишган пайти ҳечман устидан терилганини еб қўрганмисиз?» — деб сўраганим ҳам эсимда. Улар эса: «Э, болам-а» тагидан

— Ҳа! — деди, йигит хомуш тортиб, — шундай шукхли дамлар бўларканки, ҳаётда кейинчалик минг бор истам, орзу қилма орқага қайтариб бўлмас экан. Отам раҳматли хўп миришкор эдилар. Энди мен у киши қилган ишнинг ярминям эплай олмаяман. Қулупнайни ҳам парваришини қойиллатолмаганимдан бузиб ташладим...

Суратларни яхшилаб чизиб бўлганча, кетаётганимизда йигит — унинг оти Абдор экан — бизни иззатикром билан қузатиб қўйди ва:

— Отамнинг энг яқин кишиларидан экансизлар, биродарлар! Шу бог сизларники. Отамнинг руҳлари шод бўлади, тез-тез келиб туринглар! Бояги қилмишимни унутинглар, — деди.

Икки кун ўтгач, яна келдим. Қўлимда бундан 5 йил бурун худди уша богда чол ўзи эккан энг катта дарахт — тут тағида ўтирган ҳолатдаги қўрғиниши чизилган, чорчўпа солинган рангтавир бор эди. Уни ўғлига совға қилдим.

— Бу отангиз ва бир оддий расосоннинг қадрдон, қизгин дўстлигидан унутилмас хотира — эсдалик бўлсин! — дедим.

Ўғил сувратни авайлаб олар экан:

— Жуда ўхшатиб чиизбсиз, ўзлари шу тут дарахтини яхши кўрар эдилар. Энг афзал қўрган вақтлари ҳам тут пишғи пайти эди! — деди ва қўздан юзига оқиб тушаётган ёшларни даструълчаси билан арта бошлади...

Баҳром ТОЖИЕВ.

Кейинги икки йил маданиятда Ўзбекистон маданиятида янги йўналишлар янада раванг топиб бормоқда. Ватанимиз эришган муштакил самараси ўлароқ шоубизнеснинг тараккий этиши муштакил расом моделерларнинг пайдо бўлишига ҳам замин яратди.

Маълумки, «мода» сўзининг луғавий маъноси муайян даврда кийим-бошга нисбатан у ёки бу дидларнинг ҳукмронлигини англатади. Мода Ўзбекистон маданий ҳаётидаги мураккаб кўринишлардан биридир. Жаҳонга машҳур расом-моделерларнинг коллекцияларига ўхшамайдиган намуналар яратишда моделерларимизга бадиий маданиятимиз анъаналарига мурожаат қилиш қўл келмоқда. Шу билан бирга улар этнографизмдан ташқари юксак маданиятга, касбий маҳоратга, услубийлик соҳасига, ниҳоят оддий бадиий дидга эга бўлишлари лозим.

Этнографик коллекция яратиш моделердан маданият тарихи, у ёки бу газлама ўзига хосликлари, анъанавий бадиий ҳунармандчилик хусусиятлари бўйича етарли билимга эга бўлишнинг талаб қилади. Насиба Аҳмедова ўз коллекциясини «Шарққа мафтун» деб номлаган. У аввал тикланган сўзлардан фойдаланган ҳолда ўз коллекциясини яратган. Жумладан, яхлит бичимли кўйлақ шаклидаги, шунингдек салла билан биргаликдаги сарафан тарзидаги сўзаналар ўзгача таассурот уйғотди.

Марказий моделлар уйининг етакчи моделери Абдукарим Ашурбоевнинг ижодида миллий газламаларга мурожаат қилиш устувордир. У «Буюк ипак йўли» номли катта кийимлар коллекциясини яратди.

А. Ашурбоев ўз этнографик коллекциясини билан халқаро миқёсда шухрат қозонди. У хонатлас, бекасам, адрас, шохи каби анъанавий газламалардан унумли фойдаланади. Кийимларга бекасамнинг горизонтал ва вертикал йўллари ўзгача бириктирилганлиги алоҳида кўр бахш этиб туради. Ашурбоевнинг юмшоқ тусли шохи ишлатилган намуналари гулсафсар ранглири-

Мулоҳаза

ЎЗБЕКИСТОН ПИБОСЛАРИ



ни эслатади ва уларда турли-туман қатқат бурмалар, тўрлардан моҳирона фойдаланилган.

«Батик» гуруҳи (Лола Сайфий, Ирина Лисенко, Ольга Колесникова, Наталья Кучина, Марина Стрельникова) эришган ижодий муваффақиятни ҳам таъкидлаш жоиз. Газламалардаги юмшоқ рангларнинг ўзига хос уйғунлиги, намуналарнинг хушбичимлиги ва ижодкорларнинг ўзлари иштирокидаги намоёиш хореографияси томошабинлар шохрини қозonganлиги шубҳасиз. Бу ижодкорлар бўёқлар ва мум ёрдамда матоларни безаш орқали Ўзбекистон мода санъатида янги йўналишни ривожлантиришмоқда. Мазкур матолардан тикланган кўйлақларнинг яна бир фарқли жиҳати шуки, улар фақат ягона нухса сифатида мавжуддир. Бинобарин, ноёбликни афзал кўрувчи мода мухлисари «Батик» намуналарига алоҳида эътибор берсалар арзийди.

Ушбу мавсумда «Соғинч» номли коллекцияни тақдим этган Людмила Бойматованинг намуналари назокатли орас-

талиққа эгадир. Очқ кўринишли оқшомбоп кўйлақларда шу мавсумда урф бўлган ёнлама кесмалли оқшомбоп кўйлақлар эллигинчи йиллар услубидаги тўр-тўр шапкачалар «батик» услубидаги шарфлар билан биргаликда ажойиб уйғунлик касб этган. Людмила Бойматова Ўзбекистон модаси оламида шифон, ипак, креплоржет, креплешин, энселисар каби газламаларни безайдиган ягона моделердир.

Дмитрий Тянь номли ҳозир Ўзбекистондан ташқарида ҳам машҳур. У «Шарқ мавсуми» (Қозғистон) халқаро фестивалининг совриндори, «Гўзал пари-96» юксак мода кўнларининг «Йилнинг энг яхши моделери» унвони соҳибидир. Бу йил у тақдироти Москвадаги Вячеслав Зайцев мода уйда ўтказилган янги оқшомги кўйлақлар коллекциясини тақдим этди. Ҳамшаҳарларимиз ушбу коллекцияни «Муҳаббат ва мода» фестивалида кўришга муяссар бўлишди.


Алишер Навоий номидаги театрда бўлиб ўтган расом-моделерларнинг «Либослар намоёиши» фестивалида Ксения Гиева яратган «Денгизчи болалар» номли болалар кийими коллекцияси катта қизиқчи уйғотди. Мазкур кийимларни уч-беш ёшли жажжи манекенчилар намоёиш этишди.

Анна Иброҳимова ижоди маҳсули бўлган тўқима трикотажи «Шахризода эртақлари» номли коллекцияда ўрта аср меъморчилиги мотивларидан фойдаланилган. Узун оқшомги кўйлақлар этаклари Бухоро ва Самарқанд меъморий ёдгорлиги равоқларию пештоқлари яққол ифодаланган нақшлар билан безатилган. Мазкур намуналар гўмбазни эслатувчи феруза рангли, ўзига хос бош кийимлари билан тўлдирилган.

Еш дизайнер-расом Дилфарўз Абдуллаева ёшларга мўлжалланган аёллар кийимлари коллекциясини тақдим этди. Мазкур коллекция «Бари ҳали олдинда» деб номланган. У кучсиз ранглар ўрнига ёрқин, кескин бўёқларни уйғунлаштиришни тақлим этди.

Хуллас, Ўзбекистон модаси XXI асрга турли қизиқарли йўналишлар билан, истеъдодли расом-моделерлар ва дизайнерлар билан кириб бораётди.

Гулсара БОБОЖОНОВА.



Янги ўқув йили арафасида китоб бозорлари гавжум бўлмоқда.

Рашид Галиев олган сурат.

Қаҳқаҳа

Катта шоир билан катта бастакор анчайин сархуш бўлиб келишаётган экан, милиционер уларнинг ёқасидан тутиб, бўлимга судрабди. Катта бастакор анчайин чапдаст экан, милиционернинг қўлидан бир юлқиниб чиқибди-ю, жуфтакини ростлабди. Юлқинганида галстуги милиционер қўлида қолибди. Катта шоир ўзини танитиб ялтоқлана бошлабди. Шунда милиционер:

— Чиндан шундай зўр шоир бўлсангиз, мана шу галстукча қараб бир шеър тўкинг, — дебди. Шоир бир фурсат ўйланиб, кейин дебди: — Энангни эмгур Тўхтасин, Ташлаб қочди нўхтасин. Милиционер катта шоирнинг ҳақиқий истеъдодига ишониб, уйигача кузатиб қўйибди.

Иккита кўшхотинлик йигит учрашиб, хол-аҳвол сўрашибди. Бири у дебди, бири бу дебди. Бири шоир табиатлироқ экан, аҳволини шеърга солиб, шундай дебди:

— Кўш хотинлик дарди қурсин, Гоҳи маза, кўп даҳмаза. Бири чалса «лазги»ни, Бири чалар «мазги»ни.

Лунжи шишиб кетган бемор тиш доктори хонасига кўнгиноқ қилиб сўрабди:

— Кечирасиз, бугун тиш доктори қабул қиляптиларми?

— Йўқ, Бугун ишламайдилар. — Кечирасиз, яна қайси куни ишламайдилар?

— Нега мен сизга турмушга чиқдим, — деди аёл тутоқиб, чиндан ҳам гирт аҳмоқ эканман. — Бунга қара, — деди эр, бамайлихотир, — шу кунгача билмаган эканман.

— Ўғлим, уйланганингдан кейин ҳақиқий бахт нима эканлигини тушунасан, — деди ота. — Наҳотки?! — деди ўғил хайратланиб. — Лекин вақт ўтган бўлади-да, — деди ота хўрсиниб.

Эр-хотин ҳаёти: Биринчи йили: Эр гапирди, аёл эшитди. Иккинчи йили: Хотин гапирди, эр эшитди. Учинчи йили: Иккаласи гапирди — эл эшитди.

Ресторанда официант эркакдан сўради: — Кечирасиз, хонимингиз нима ичадилар? — Менинг қонимни, — деди эр.

Тиқилинч автобус эшигига осиёлиб келаётган йўловчи дағдаға қилди: — Ҳозир сал сурилиб менга жой бермасаларинг, бошларингга чиқиб кетаман. Тепакал бир киши бошини силаб, ғўнғиллади: — Бошга чиқармиш, чиққин, сирпаниб ўларсан.

— Ботирхон, — деди боғча опаси, — уйингларда сендан бўлак ака-укаларнинг ҳам борми? — Йўқ, — деди тўполончи Ботирхон мактаниб, — уйимизда мен ёлғиз ўғилман. — Худода шукр-ей, — деди боғча опа ўзига таскин бериб.

Ширакайф бир одам кўчада туриб бақирарди: — Одамлар, ҳой одамлар-ей... Кўп қаватли уйнинг фўкарлари нима бўлдикин, деб чиқоқларни ёқиб балконларга чиқибди. — Хўш, нима бўлди, нега бақирасан? — Уэр, соат неча бўлди? — Соатми, соат уч бўлди. — Йя, соат уч бўлса нега ухламаяпсизлар?! Тўлаган ТҲХТАЕВ.

МАҲАЛЛАДА БАЙРАМ

Собир Раҳимов туманида халқ таълими бўлимига қарашли «Навқирон» ўсмирлар клуби ташаббуси билан «Биз келажак алломишларимиз» мавзусида спорт байрами ўтказилди.

Унда тумандаги маҳаллалар, мактаблар, оилалар, болалар боғчалари, қўшимча таълим мажмуаси катнашчилари иштирок этди. Муштакиллик куни олдида «Истиклол» маҳалласида ташкил этилган бу тадбирда футбол, миллий кураш, велоспортга, югуриш, арқон тортиш каби қизиқарли спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Байрам катнашчилари «Навқирон» клуби фаолияти билан, жумладан, тикувчилик, косиблик, каштачилик, мустика тўғараклари иши билан танишдилар. «Устоз ва шогирд» туркумида маҳаллада ташкил этилган новвойхонада ёш касб эгалари тайёрлаган мазали нон махсулотларидан татиб қўрдилар. Тадбир иштирокчилари учун қўшимча таълим мажмуаси истеъдодли ёшлари томонидан концерт дастури намоёиш қилинди. Туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимининг соғалари топириди. Музаляхон ОДИЛОВА.

Ибратнома

ЁҚҚАН ЖАВОБ

Ривоят қилишларича, қадимги шохлардан бири ўз мулозимлари билан дарё бўйига келибди. Ҳаво жуда яхши экан. Шох бир неча кун хордик чиқариш учун дарё бўйига қодир тиклашга буйруқ берибди. Шу яқин атрофда бир кишлоқ бўлиб, унда Худодод исмли киши яшар экан. Уша куни Худодод аравага олмани тўдириб, у ердан ўтиб қолибди. Шохнинг одамлари уни ушлаб, шох ҳузурига келтиришибди. Шох унга бошдан-оёқ тикилиб, кейин сўрабди:

— Қани айтганич, нималар олиб келаясан? Худодод шундай жавоб берибди: **Насибамиз олма, Яхшиликдан қолма.**

Шоҳга унинг жавоби ёқибди ва ўз мулозимларига олмаларни сотиб олишни буюрибди. Аравадаги ҳамма олмани олишибди. Худодод чўнтаги пулга тўлиб уйига қайтибди. Йўлда қўшинларидан бирини учратибди. Унинг исми Худораҳм экан. Худораҳм қўшинидан хурсандлигининг сабабини сўрабди. Худодод унга булган воқеани сўзлаб берибди. Худораҳм катта пулни қўлга кириши мақсадига кўп миқдордаги лавлагини аравага солиб подшоҳ қодир томон йўл олибди. Аммо озгина йўл юргандан кейин пушаймон бўлиб тўхтабди. Ўзича ўйлабди: «Агар шох нима олиб келаян?» — деб сўраса «Л а в л а г и - п а в л а г и дейманми? Шохнинг энсаси қотмайдими? Ундан кўра пиёз ортиб — бунда пиёз, назру ниёз» дейман.

Шундай қилиб лавлагининг ўрнига аравага пиёзни ортибди. Шохнинг одамлари уни ҳам ушлаб, шох ҳузурига келтиришибди. Шох унга ҳам уша саволи берибди. Худораҳм бошини мағрур қутариб:

— Бунда пиёз, назру ниёз! — дебди. Шох пиёзни ёмон кўрар экан. Жуда жаҳли чиқибди ва: — Пиёзлар билан уни уринглар! — дебди. Худораҳм устига пиёз тушаётганда бир нималар деб пичирлабди. Шунда шох: — Нима, бизни қарғадан хурсандлигининг сабабини сўрабди. Худодод унга булган воқеани сўзлаб берибди. Худораҳм катта пулни қўлга кириши мақсадига кўп миқдордаги лавлагини аравага солиб подшоҳ қодир томон йўл олибди. Аммо озгина йўл юргандан кейин пушаймон бўлиб тўхтабди. Ўзича ўйлабди: «Агар шох нима олиб келаян?» — деб сўраса «Л а в л а г и - п а в л а г и дейманми? Шохнинг энсаси қотмайдими? Ундан кўра пиёз ортиб — бунда пиёз, назру ниёз» дейман.

Шундай қилиб лавлагининг ўрнига аравага пиёзни ортибди. Шохнинг одамлари уни ҳам ушлаб, шох ҳузурига келтиришибди. Шох унга ҳам уша саволи берибди. Худораҳм бошини мағрур қутариб:

— Бунда пиёз, назру ниёз! — дебди. Шох пиёзни ёмон кўрар экан. Жуда жаҳли чиқибди ва: — Пиёзлар билан уни уринглар! — дебди. Худораҳм устига пиёз тушаётганда бир нималар деб пичирлабди. Шунда шох: — Нима, бизни қарғадан хурсандлигининг сабабини сўрабди. Худодод унга булган воқеани сўзлаб берибди. Худораҳм катта пулни қўлга кириши мақсадига кўп миқдордаги лавлагини аравага солиб подшоҳ қодир томон йўл олибди. Аммо озгина йўл юргандан кейин пушаймон бўлиб тўхтабди. Ўзича ўйлабди: «Агар шох нима олиб келаян?» — деб сўраса «Л а в л а г и - п а в л а г и дейманми? Шохнинг энсаси қотмайдими? Ундан кўра пиёз ортиб — бунда пиёз, назру ниёз» дейман.

Шундай қилиб лавлагининг ўрнига аравага пиёзни ортибди. Шохнинг одамлари уни ҳам ушлаб, шох ҳузурига келтиришибди. Шох унга ҳам уша саволи берибди. Худораҳм бошини мағрур қутариб:

Бош муҳаррир Уринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЎЗБОМЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

янги мавсумини 1998 йил 2 сентябрь куни соат 17.00 да **ПРЕМЬЕРА БИЛАН ОЧАДИ** Александр Кассона асари Тошхўжа Хўжаев таржумаси. **«ЕТТИ ФАРЕД»**

(II пардали ақлга сиймайдиган фожиа) **Сахналаштирувчи режиссёр** — Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти соҳиби ТУРДУН АЗИЗОВ.

Сахналаштирувчи расом — Александр Зиновьев

Бастакор — Анвар Эргашев **Рақсларни сахналаштирувчи** — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Севилья Тангуриева.

РОЛЛАРДА: Ёқуб Аҳмедов, Толиб Каримов, Пўлат Носиров, Файзулла Ҳожиёв, Махмуд Исмоилов, Эркин Комилов, Рустам Каримов, Беҳзод Муҳаммадқаримов, Фотих Жалолов, Махфуза Боботиллаева, Нодира Махмудова, Ҳожиакбар Комилов, Тоҳир Саидов, Сайёра Юнусова, Саида Раметова, Равшан Жўраев, Зухра Ашурова, Мадина Мухторова, Учқун Тиллаев, Фарход Абдуллаев, Алишер Ҳамроев. Спектакль соат 17.30 да бошланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган муҳандис, техника фанлари номзоди, фахрий тракторсоз, «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамиятининг техник директори **Игорь Петрович ВЕЛИКИЙ**нинг вафот этганиниг муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқин қишлоқларига чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95,
132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба
ва Ҳафта
кунлари чиқади.
Нашр кўралиши
209

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.